



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси  
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Муҳим саналар

№ 14 (727) 31.07.2023 | ۱۳۰۰۱۶۴۵

Ҳижрий-қамарий тақвим муҳаррам ойидан бошланади. Бу ой уруш, қон тўкиш ҳаром қилинган ҳурматли ойлardan биридир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Албатта, Аллоҳнинг наздида ойлarning адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кунidaги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб) уруш тақиқланган ойлardир. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз!»** (Тавба сураси, 36-оят).

Кейинроқ, бу оятнинг ҳукми мансук бўлди, лекин мазкур ойлardaги фазилятлар сақланиб қолди. Муҳаррам ойи ана шундай фазилятли ойлardan бири ҳисобланади. Хусусан, унинг ўнинчи куни алоҳида фазилятга эга бўлиб, Ашуро куни дейилади. “Ашуро” сўзи луғатда “ўнинчи кун” деган маънони билдиради. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келиб, яҳудийларнинг Ашуро куни рўзасини тутаяётганларини кўрдилар ва: “Бунима?” дедилар. “Бу солиҳ кундир. Аллоҳ Бани Исроилни душманларидан қутқарган кун. Шу боис Мусо унинг рўзасини тутган”, дейишди. У зот: “Мен Мусога сизлардан кўра ҳақлироқман”, дедилар ҳамда унинг рўзасини тутдилар ва тутушига буюрдилар»** (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

Нух алайҳиссаломнинг кема-си ҳам сув устида олти ой сузиб, муҳаррамнинг ўнинчи куни қуруқликка тушган.

Яна Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **“Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу кун – Ашуро кунининг ҳамда ушбу ой, яъни Рамазон ойининг рўзасидан ташқари бирор кунни бошқасидан афзал кўриб, рўза тутушига қасд қилганларини кўрмадим”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу

## Муҳаррам ойи фазилятлари

анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг ойи муҳаррамдир. Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоз (таҳажжуд)дир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ашуро куни рўзасини тутинглар. Унда яҳудийларга хилоф қилинганлар – ундан олдин ёки ундан кейин бир кун рўза тутинглар”**, дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: **«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ашуро куни рўза тутиб, рўза тутушига буюрган чоғлари: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу яҳудий ва насронийлар улуғлайдиган кун-ку?” деб қолишди. Шунда у зот: “Келаси йил, иншоаллоҳ, тўққизинчи куни ҳам рўза тутамиз”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Ибн Аббоснинг ҳузурига бордим, у киши Замзам олдидан ридоси устида ёнбошлаб ётган экан. “Менга Ашуро рўзаси ҳақида айтиб беринг”, дедим. “Муҳаррамнинг ҳилолини кўрсанг, санаб бор. Тўққизинчи куни рўза тутган ҳолда тонг оттир”, деди. “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг рўзасини шундай тутармидилар?” дедим. “Ҳа”, деди»** (Имом Муслим ривояти).

Демак, муҳаррамнинг ўнинчи куни рўза тутуш фазилятли амалlardan экан. Ўнинчи кунига бир кун қўшиб рўза тутилса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавсияларига мувофиқ бўлади. Бунинг учун муҳаррамнинг ё тўққиз-ўнинчи, ё ўнинчи-ўн биринчи кунлари ёки тўққизинчидан ўн биринчи кунигача – уч кун рўза тутуш керак. Бу рўзанинг мукофоти жуда улғудир. Зеро, Абу Қатода розияллоҳу анҳудан қилинган

ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йилнинг гуноҳларига каффорат бўлади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Яна бу куннинг фазилятлари ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидагича башорат берганлар: **«Ким Ашуро куни оиласига кенгчилик қилиб берса, Аллоҳ унга йил бўйи кенгчилик қилиб беради»** (Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Ашуро куни аҳли аёлига нафақада кенгчилик қилса, Аллоҳ унга йилнинг қолганини кенг қилади”**, дедилар (Имом Розийн ривояти).

Суфён Саврий айтди: “Биз буни тажриба қилиб кўрдик ва ана шундай бўлишини топдик”.

Суфён ибн Уяйна: “Биз буни элик ёки олтмиш йил тажриба қилиб кўрдик ва фақатгина яхшилиқ кўрдик”.

Жобир раҳматуллоҳи алайҳ: “Мен қирқ йил тажриба қилдим, бўлмай қолмади”, деган (“Ал-Муҳит”).

Ҳар ким кўлидан келганича, Ашуро куни оиласига кенгчилик, яъни бозорлик қилиб, рўзгорини бут қилиб берса, йилнинг қолган қисмида ҳам оиласидан кенгчилик ва барака аримаслиги таъминланади, иншоаллоҳ.

Аллоҳ таоло барчамизни ушбу куннинг фазилатидан баҳраманд бўлишга, оиламизга кенгчилик қилиб, йил бўйи аримайдиган хайру баракани қўлга киритишимизга муваффақ айласин!

✍ **Ҳабибуллоҳ МИЗРАБОВ,**

Тошкент шаҳридаги “Имом Бухорий” жоме масжиди имом ноиби

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

- ✓ 7 июль. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги “Халқ” жоме масжиди биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.
- ✓ 8 июль. Малайзияда жойлашган дунёнинг иккинчи энг йирик Қуръони карим босмаҳонаси – «Nasyrul Quran» маърифий мажмуаси ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби ҳамкорлигида Қуръони карим маънолари ўзбек тилидаги таржимасини Малайзияда нашр қилиш бўйича келишувга эришилди.
- ✓ 10 июль. Ҳаж амалларини адо этган доғистонлик ҳожилар жуда хайрли ишга қўл уриб, Маккадаги ан-Нур тоғини чиқиндилардан тозалашди.
- ✓ 11 июль. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Мусулмонлар идораси ҳузурдаги “Вақф” хайрия жамоат фонди раҳбарининг биринчи ўринбосари М. Саломов, фонднинг Халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бошлиғи М. Қосимов Туркия элчихонасининг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси Маҳмуд Турк билан учрашди.
- ✓ 11 июль. Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамбли “Бутунжаҳон туристик жозибадор объектлар” ташкилоти рўйхатидан жой олди.
- ✓ 12 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Хива – 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти» халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.
- ✓ 12 июль. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Дин тарихи музейида чеченистонлик рассом Исмоил Данилхановнинг “Қуръон оятлари ва маънолари: хаттотлик тадқиқотлари” номли кўргазмасида рақамли санъат техникасида яратилган 63 та хаттотлик ишлари кўргазмаси намойиш этилди.
- ✓ 14 июль. Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Алишер Наимов Фарғона туманидаги “Қалбичин ота” жоме масжидига ташриф буюриб, “Одамларнинг яхшиси – ўзгаларга манфаати кўпроғидир” мавзусида суҳбат ўтказди.
- ✓ 17 июль. Саудия Арабистонининг етакчи «Swift News» онлайн нашрида Имом Бухорий ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига бағишланган мақола жойлаштирилди.

## Марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғоят мураккаб тарихий шароитда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ва минтақамизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини эл-юртимизга безавол етказиш, буюк уламо ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини турли миллатлар ва элатлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги кўп йиллик ибратли фаолияти, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ишларига қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни эзгулик ва маърифат, она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги юксак хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ



«Олий Даражали Имом  
Бухорий» ордени



## Марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфни «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзининг серқирра фаолияти ҳамда беқиёс илмий-маърифий мероси билан исломий тафаккур ва маданиятни рағбатлантириш, муқаддас динимизнинг улуғ инсоний ғояларини халқимизга етказиш, машҳур уламоларимизнинг бебаҳо асарларини чуқур тадқиқ этиш, турли мамлакат ва ўлкаларда кенг тарғиб қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги алоҳида хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ



Саодат қучганлар

## Муфтий ҳазрат Халқаро мусулмон уламолар кенгашига қабул қилиндилар

2023 йил 22 июнь юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳаётида қувончли кун бўлди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратлари Халқаро мусулмон уламолар кенгашига аъзо бўлганлари эълон қилинди.

Халқаро мусулмон уламолар кенгаши раиси, профессор доктор Алий Мухйиддин Қорадоғий томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасига йўлланган хатда, жумладан, бундай дейилади:

— Халқаро мусулмон уламолар кенгаши Сизга ўзининг юксак эҳтиромини ифода этиб, доимий соғлиқ-саломатлик ва муваффақият тилайди. Сизга ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасига самимий саломларим ва юксак эҳтиромимни йўллайман...

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин



Холиқназар ҳазратларининг Халқаро мусулмон уламолар кенгашига аъзо этиб қабул қилинганини мамнуният билан маълум қиламан.

Ишонамизки, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Халқаро мусулмон уламолар кенгаши сафига қўшилишлари бутун дунёда Ислом ва мусулмонлар хизматидаги муштарак сазй-ҳаракатларимизни янада ривожлантиради.

## Саҳобаларнинг унвонлари

1. Сиддиқ — Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху.
2. Форук — Умар ибн Хаттоб розияллоху анху.
3. Зуннурин (икки нур соҳиби) — Усмон ибн Аффон розияллоху анху.
4. Шижоат эгаларининг саййиди — Али ибн Абу Толиб розияллоху анху.
5. Расулulloҳнинг муаззини — Билол ибн Рабоҳ розияллоху анху.
6. Расулulloҳнинг хатиб (нотик)лари — Собит ибн Қайс розияллоху анху.
7. Расулulloҳнинг шоирлари — Ҳассон ибн Собит розияллоху анху.
8. Икки тараф эгаси (ҳар икки қўли бир хил ишловчи) — Умайр ибн Абду Амр ибн Мазла розияллоху анху.
9. Расулulloҳнинг ходимлари — Анас ибн Молик розияллоху анху.
10. Расулulloҳнинг ҳаворий (қўлловчи)лари — Зубайр ибн Авлом розияллоху анху.
11. Асадуллоҳ (Аллоҳнинг шери) — Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоху анху.
12. Сайфуллоҳ (Аллоҳнинг қиличи) — Холид ибн Валид розияллоху анху.
13. Расулulloҳнинг қўриқчилари — Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху.
14. Бу умматнинг амини (ростгўй ва омонатдори) — Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоху анху.
15. Бу умматнинг билимдони — Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху.

Толибжон НИЗОМОВ  
таржимаси

# Тўғри йўл кўрсатиш ва таълим беришда мукаммал йўл тутишлари\*

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг таълим-тарбия беришдаги навбатдаги услублари маълумотларни аста-секин тақдим қилиш ва фойдали масалага босқичма-босқич ўтиш эди. Бу усул қўлланиши натижасида эшитган одам ўзига керакли бўлган маълумотни олади ва ўзи дуч келган муаммони ҳал қилади.

Жаноби Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг бу услублари қуйидаги ҳадисда ҳам намоён бўлади.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Бир одам Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Халок бўлдим, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. **«Нима учун халок бўлдинг?»** дедилар. «Рамазонда хотинимга яқинлик қилиб қўйдим», деди. **«Кул озод қилишга нарсанга топа оласанми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Икки ой кетма-кет рўза тутасанми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Олтмиш мискинга таом беришга нарсанга топа оласанми?»** дедилар. Келган одам «Йўқ», деб, бироз кутиб ўтирди. Шу пайт Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга бир замбил хурмо келтиришди. У зот (ҳалиги одамга): **«Мана бунини садақа қилиб юбор»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзимдан ҳам фақирроқ одамгами? Аллоҳга қасамки, бу шаҳарда биздан муҳтожроқ оила йўқ», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам кулиб юбордилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: **«Бор, уни аҳлингга таом қилиб бер»**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Шубҳасиз, ўша пайтда у киши қувониб кетган. Жамиятнинг бир аъзоси эканини ҳис қилган. Умнат унинг ҳолатига эътибор қиладиган, унинг муаммолари билан яшайдиган, унинг мушкулотларига бефарқ бўлмайдиган одам эканлигини англаб етган.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унга шариатнинг умумий ҳукмини айтиб қўйиш билан, масалан, «Сен кул озод қиласан, кул озод қилишга қурбинг етмаса, икки ой узлуксиз рўза тутасан, агар бунга ҳам имконинг бўлмаса, олтмишта камбағалга егулик берасан», дейиш билан кифояланишлари мумкин эди. Шу сўзлар билан жавоб берганларида ҳам биронта камчилик бўлмас эди. Лекин Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам барча юмушларини бир четга қўйиб, унга буткул юзланиб,



сўрай бошладилар: **«Кул озод қилишга нарсанга топа оласанми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Икки ой кетма-кет рўза тутасанми?»** дедилар. Шу тариқа босқичма-босқич айтиб, унга тўғри келадиган жавобга етиб бордилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам савол берувчига юзланар, эътибор қаратар, риоясини қилиб, тақдирлар ва эҳтиром қилар эдилар. Шундай қилиниши натижасида савол берувчи савол сўралувчига ишонади ва ўзини хотиржам ҳис қилади. Натижада қандай саволи бўлса ҳам, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳайбатлари босиб, саволини тўлиқ ифода қилиб беришдан чўчимади. Комил мураббий ҳисобланган Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг узоқни кўра билишлари у зотнинг ҳар тарафлама комил инсон эканларини намоён қилиб туради. Турли даврларда у зотга бирор айб ёки нуқсон тиркамоқчи бўлган танқидчиларнинг ўзлари шарманда бўлишган.

Қуйидаги ҳадис бу маънони мукаммал тарзда кўрсатиб беради. Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Бир аъробий Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннатдаги кийимларимизни қўлларимиз билан тўқиймизми?» деди. Ўша ерда ўтирган саҳобалар кулиб юборишди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Нимага куласизлар? Илмсиз киши олимдан сўраётганиданми? Эй аъробий! Йўқ, улар (кийимлар) жаннат меваларидан олинади»**, дедилар».

Кўриб турибсизки, саҳобалар савол берувчининг устидан кулишганида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам кулганларни койидилар. Уларга савол берувчини танқид қилишга, унинг обрўсини тўқишга бирон сабаб йўқлигини баён қилдилар. Билмаган одам ўзига қизиқ бўлган нарсани сўраш ва муҳокама қилишда эътиборли бўлиши ва меъёрни аниқлаб олиши керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу гаплари билан ҳалиги кишининг уялмасдан ёки қўрқмасдан, ишонч билан мурожаат қилишга далда бердилар. Зеро, бошқанинг танқидидан уялиб ёки қўрқиб, илмдан маҳрум бўлиб қоладиганлар жуда кўп. Набий алайҳиссалом ана шу уялиш ва қўрқиб ҳолати юзага келишини хоҳламадилар.

Яна бир ҳадисда қуйидагича нақл қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам сафарда юрганларида бир аъробий келиб, туяларининг жиловини ушлаб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мени жаннатга яқин қиладиган, дўзахдан узоқ қиладиган нарсани айтиб беринг», деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам тўхтадилар-да, саҳобаларига қараб: **«Тавфиқ қилинди»** ёки **«Ҳидоят қилинди»**, дедилар. Сўнг (аъробийга қараб): **«Боя нима дединг?»** дедилар. У саволини қайтарди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасдан ибодат қиласан, намозни адо қиласан, закотни берасан ва силани раҳм қиласан. Туяни қўйиб юбор»**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унинг саволига эътибор қаратдилар, сўнг саҳобаларни бу ҳақда ўйлаб кўришга чақирдилар. Уларнинг диққатини ўша кишига қаратдилар. Сўнг унга саволни қайтаришни буюрдилар ва уни тавфиқ ва ҳидоят билан дуо қилдилар.

Мазкур маълумотлар суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоху алайҳи ва салламнинг таълим беришдаги услубларидан айримлари, холос. У зотнинг таълим-тарбия соҳасидаги бошқа яна бир қанча услублари, ўзларига хос хусусиятларни сийрат олимлари ўз асарларида баён қилиб беришган.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг «Икки олам сарвари» асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОХ таржимаси

## Масала

### Закотга доир фатволар

#### 467-ФАТВО

Пул маблағи нисобга етгач, закотини бериб, сўнг чорва молларини сотиб олса, сотиб олинган моллар мулкидаги бошқа чорва молларига қўшиб ҳисобламайди. Зеро, у закоти берилган молдир. Бу Абу Ҳанифа раҳимаҳуллох сўзларидир.

«Оламғирия»

#### 470-ФАТВО

Икки нисоб эгаси пулини яхши ҳисоблаб кўрмай икки ярим нисоб ҳисобидан закот бериб бўлганидан кейин билиб қолса, икки нисобдан ортиғини кейинги йил ҳисобига ўтказиб қўяверади.

«Оламғирия», «Муҳит»

#### 471-ФАТВО

Турли чорва моллари нисобга етган одам уларнинг бир-икки туридан закот берганидан кейин закотини берган моллари ўлиб қолса, берган закоти қолган молларининг закотига ўтмайди.

«Оламғирия», «Муҳит»

#### 472-ФАТВО

Агар нисобига йил тўлмасдан олдиндан фақирга закотни берса, сўнг у фақир йил охирига етмай бой бўлиб қолса, ё ўлиб қолса ёки диндан қайтиб муртад бўлса, унга берилган закот ўз кучини йўқотмайди.

«Оламғирия», «ас-Сирож»

#### 497-ФАТВО

Бой бир кишига (Зайдга) пул бериб, уни нафл садақа сифатида тарқатиб юборишни буюргач, у пул тарқатилмасдан бой закот деб ният қилса, (Зайд) у пулни садақа сифатида тарқатса ҳам, закотга ўтади.

«Сирожия»

#### 498-ФАТВО

Бир киши бир бойнинг молидан закотни бериб юборса ва у бой билиб ижозат берса, агар закот сифатида берилган мол фақир қўлида турган бўлса, дуруст бўлади.

«Сирожия»

5-бетда

\* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

# Энг бахтиёр одам нима қилади?

Арабларда “**Адашмайдиган ва хато қилмайдиган одам — энг бахтиёр одамдир**” деган нақл бор.

Аммо янглишиш ва хато қилиш инсон фитратига хос. Фақат ақл билангина ундан сақланиш мумкин.

Тўғри йўлдан адашмаслик учун ақл, билим ва ҳаёт тажрибасидан ташқари, фаҳм-фаросат ҳам лозим. Доно одам билан ақлли инсоннинг фарқини бундай изоҳлашади: ақлли инсон йўл қўйган хатосини тўғрилашнинг уddасидан чиқади, доно одам эса ушбу хатони олдиндан фаҳмлайди.

Ҳаёт йўлида адашмасликни истасангиз, ақл эгалари ва донолар маслаҳатига қулоқ тутинг, олдинга қадам ташлашдан аввал орқага бир қараб қўйинг! “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган пурмаъно мақолга амал қилинг.

“Камчилиги бўлмаган бирорта одам, ҳатто донишмандни ҳам учратмадим. Лекин қанча ақл-заковат, одоб ва тажриба мукаммаллигига эришилса, шунчалар кам хато қилишларини кўрдим”, дейди машойихлардан бири.

Англамасдан хато қилсангиз,

кўп қайғурмасдан тезда уни тузатинг, яъни нуқсонни ислоҳ этишда лоқайдлик қилманг. Унутманг, кичкинагина тешиқдан кирган сув ҳам бора-бора катта кемани фарқ қилади.

Чин дўстингиз хатоларингизни юзингизга айтиб тузатади. Душманингиз эса айбу сирларингизни фош этиб, ишингизни барбод этади. Ўз хатосини сезмаган одам нодондир. Уни тузатишга интизмаслик эса мунофиқлик аломатидир.

Тўғри йўлдан адашмасликнинг асосий омили Аллоҳ таолодан

узоқлашмасликдир. Биз Яратган Раббимизга қанчалик яқин бўлсак, шайтонни шунчалик ожиз қолдирамиз. Чунки Қуръони карим оятларида ҳақиқий мухлис бандаларга шайтон таъсир кўрсата олмаслиги алоҳида таъкидланган.

Зеро, мухлис банда ҳар томонлама ўйлаб, яъни етти бор ўлчаб, сўнгра қатъий қарор қилади ва натижада тўғри йўлдан адашмайди.

 **Анвар ҒУЛОМОВ,**

меҳнат фахрийси. Самарқанд шахри

## Ислом сабоқлари

Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Ислом поклик ва покланиш ишларига ўта жиддий қарайди. Дунёда Исломдан бошқа ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафа покликни ва озодаликни иймонга тегишли даражага кўтармаган.

Исломда эса бу иймон иши бўлиши билан бирга, поклик бўлмаса, банданинг ибодати ҳам қабул бўлмайди. Исломда барча ибодатларнинг қабул бўлиши учун, аввало, банданинг қалби, нияти пок бўлиши керак.

Қолаверса, ибодатларнинг қабул бўлиши учун инсоннинг бутун танаси, кийим-боши ва ҳатто ибодат жойи ҳам пок бўлиши шарт. Пок бўлганда ҳам,

## Шахсий озодалик одоблари

каттаю кичик, кўзга кўринадигану кўринмайдиган барча нопокликлардан холи бўлиши керак. Ана шундай покликка эга бўлмаган банда Аллоҳга ибодат қила олмайди. Яъни, намоз ҳам ўқий олмайди, Қуръон ҳам ушлай олмайди.

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асосида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-савоблар, олий мартабалар бор.

Қуръони каримда покизаликка катта эътибор берилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Унда покланишни севадиган**

**кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир»** (Тавба сураси, 108-оят).

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу ояти каримада покликни ва пок кишиларни мадҳ этмоқда. Пок кишиларни яхши кўришини эълон қилмоқда. Бу эса Аллоҳ таоло томонидан покликка қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди. Бу ояти кариманинг ўзи барча инсонларнинг поклик учун интилиб, бутун дунёнинг покланиш сари юз тутиши учун етарли!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари покиза зот бўлганлар ва кўплаб ҳадисларида покизаликка тарғиб қилганлар.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан, у эса отасидан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Албатта, Аллоҳ хушҳолдир, хушҳолликни севади, покизадир, покизаликни севади, карамлидир, карамлиликни севади, ўта сахийдир, ўта сахийликни севади”**» (Имом Термизий ривояти).

Фикҳга доир ва ҳадисларни жамловчи барча китобларимизда «Поклик китоби» номли алоҳида боблар (китоблар) мавжуд. Шунларнинг ўзи Исломда покликка қанчалар аҳамият берилишини яққол кўрсатиб туради.

 **«Ижтимоий одоблар» китобидан**

## Ҳикматлар хазинаси

## Ҳамма нарса ақлга, ақл эса, тажрибага муҳтож

Кувватий ҳаргиз надорад тийр  
бе зўри камон,  
Ҳиммати пийрон жавононро  
ба манзил мебарад.

Таржимаси: Ўқнинг ўзида камон кувватисиз ҳеч қандай кувват бўлмайди. Пирларнинг ҳиммати ёшларни манзилга олиб боради.

Ёш йигитни гўё ўқ десак, мана шу ўқни мақсад сари йўллайдиган нарса ҳаёт тажрибалари ва ташвишлари билан бели худди камондек эгилган пирлар — мўйсафидларнинг ҳиммати ҳисобланади. Ҳиммат дейилганда улуғларнинг хайрли дуоси ҳамда руҳга озуқа бўладиган насиҳатлари назарда тутилади.

Бу мазмунни Сўфий Аллоҳёр раҳимахуллоҳ ҳам туркий тилимизда жуда гўзал ифода қилганлар:

Олий ҳиммат йигитларга керак  
пийр,  
Камонсиз учмагай кўп бўлса ҳам  
тийр.

Яъни, олий мақсадни кўзлаган йигитларга маслаҳатчи, насиҳатгўй бир пир — йўлбошчи керак. Зеро ўқ бир дона эмас, балки кўп бўлганда ҳам камонсиз ҳеч бир ерга учолмайди.

Охират ишларимизда йўл кўрсатувчига муҳтож эканимиз кундай равшан. Ҳатто ўзимиз яшаб, кўзимиз билан кўриб турган шу дунё ишларида ҳам кўпинча ўзимиздан катталарнинг маслаҳатига қулоқ солмасдан панд еймиз. Ҳақимлар айтадилар: “Ҳамма нарса ақлга муҳтож. Бироқ ақлнинг ўзи тажрибага муҳтож”. Катталар етиб борган хулосага етиб боришимиз учун бизга узун бир умр керак. Уларга хизмат қилиб, кўнгилларига йўл топсак,

уларнинг узоқ йил яшашлари эвазига топган ибратли хулосаларига бир онда эга бўлишимиз мумкин. Мана шу нарса уларнинг биз қилган ҳимматлари бўлади.

Ҳикоя. Ашраф Али Таҳонавий раҳимахуллоҳ ажойиб ҳикоя келтиради.

Тўйга кетаётган куёв навкарлар йўлда бир мўйсафид чолга дуч келдилар. Мўйсафид қорни оч қолгани туфайли улардан тўйга олиб боришларини ўтиниб сўради. Улар: “Сизни бирга олиб боришдан бизга нима фойда бор?” дедилар. Мўйсафид эса: “Билмай қолган нарсангизда сизларга маслаҳатчи бўламан. Эвазига тўйхонадан менга таом олиб чиқиб берсангиз, бас. Кўчада еб ўтиравераман”, деди. Куёв

навкарлар тўйхонага кирсалар, тўй эгаси — қайнота ҳаммаларининг қўлларига тақинчоқлар билан безатилган кувур (труба) шаклидаги безакни кийгазиб қўйди. Олиб ташлай десалар, тўй соҳибига нисбатан беҳурматлик бўлади, олиб ташламасалар, қўлтиқларига тақалиб турган безак сабабли қўллари оғизларига букланмайди. Шунда дарҳол ташқарига чиқиб, мўйсафиддан маслаҳат сўрадилар. У ҳеч ўйланмай: “Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ. Ҳар бир киши ёнидаги дўстининг оғзига овқат солиб қўяверади. Бунда қўлни буклашга зарурат бўлмайди”, деди.

Хулоса шуки, хоҳ охират иши бўлсин, хоҳ дунё иши бўлсин, ўз соҳасининг моҳирлари ҳимматидан — дуосидан, маслаҳатидан, тажрибасидан фойдалансак, манзил ва мақсадга осонроқ етиб борамиз.

 **Ёрқинжон ҒОЗИЛОВ таржимаси**

# Ҳамма нарса Аллоҳга тасбеҳ айтади

Тасбеҳ айтиш фақатгина инсонларга хос эмас, балки ҳамма жонзоту мавжудотлар ҳам тасбеҳ айтади. Қуръони каримда бундай баён қилинган: **«Осмонлардаги ва Ердаги нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтди»** (Ҳа-дид сураси, 1-оят).

**«Унга етти осмону Ер ва ундаги кимсалар тасбеҳ айтадилар. Унинг ҳамди билан тасбеҳ айтмаган бирор нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбеҳларини англамайсизлар»** (Исро сураси, 44-оят).

Тасбеҳ Аллоҳ таолонинг Зоти, исмлари, сифатлари, ҳукмлари ёмонликдан узоқ, холи эканини ёд этишдир. Наботот ва ҳайвонот каби ақлсиз мавжудотларнинг тасбеҳ айтишларини уламолар икки хил тафсир қилганлар:

биринчиси, барча махлуқотлар ўзларининг тилларида Аллоҳ таолога тасбеҳ айтиб туришади. Бу аксар уламо-ларнинг қавлидир.

иккинчиси, ақлсиз мавжудотлар-

нинг ақллар ҳайратда қоладиган таркибий тузилишлари-ю ташқи кўри-нишлари уларни яратган Зотнинг барча нуқсонлардан холи эканига далолат қилиши тасбеҳ ҳисоблана-ди. Бу баъзиларнинг қавлидир.

Осмонлару ердаги жонли-жонсиз барча нарсалар тасбеҳини биз инсонлар англамаймиз.

Қатода раҳматуллоҳи алайҳ: “Дарахтми ёки ундан бошқа барча тирик нарсалар тасбеҳ айтиб туради”, деган.

Калбий раҳматуллоҳи алайҳ: “Дарахтлар ва униб чиққан барча нарсалар тасбеҳ айтадилар. Улардан кесиб ташлангани эса, тасбеҳ айтмайдиган ўликка айланади”, деган.

Имом Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳдан: “Мана бу хонтахта ҳам тасбеҳ айтдимми?” деб сўрашганида: “Дарахтида турган пайтида тасбеҳ айтган, ҳозир эса айтмайди”, деб жавоб берган.

Баъзи уламолар: “Дарахт новдаси синдириб олинганида ҳам то қуриб қолгунича тасбеҳ айтади”, деб сўзлари-га Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дарахт новдасини синдириб, икки қабрга суқиб қўйганларини далил қилишади. Баъзи машойихлардан дастурхондаги неъматлар, пичок, идиш каби-лар ҳам тасбеҳ айтиши нақл қилинган.

**«Лекин уларнинг тасбеҳларини англамайсизлар»** оятининг тафсирида уламолар бундай дейишган: “Уларнинг тилларини тушунмаганларингиз сабабли айтаётган тасбеҳларини англамайсизлар. Уларга ақл юритиб назар солувчилар ҳайратдан тасбеҳ айтиб юборишлари уларнинг тасбеҳларидир.

Абдураҳмон АБДУБАННОЕВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Ёшлар тарбияси

## Ўғлингизнинг ташаббусига қандай қарайсиз?

Муқаддас Китобимиз Одам алай-ҳиссаломнинг Қобил деган фарзанди ноқобил чиққанидан бошлаб тарбия ғоят нозик масала сифатида ўрта-га чиққанидан хабар беради. Бундан тўрт минг йил бурун ёзилган “Калила ва Димна”да ҳам ёшлар тарбияси ўта мураккаб ва ҳар доим ҳушёрликни талаб этадиган масъулиятли вазифа экани ай-тилган. Чунки тарбияда ота-она, мак-таб, боғчадан ташқари, атроф-муҳит-нинг ҳам таъсири кучли бўлади.

Ҳосили калом, Одам алайҳиссалом авлодлари неча юксалишларни, гуллаб-яшнашлару талотўпларни боши-дан кечирган бўлса, уларнинг аксари-да ёш авлод бош бўлган, бош бўлмаган-ларида ҳам асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажарган.

Нега шундай? Чунки ёш вужудда қон тез айланади. Шунинг ҳисобига улар чаққон ҳаракат қилади, тез фикр-лайди, жадал қарор қабул қилади, ян-гиликларга ўч, жозибадор нарсалар-га берилувчан бўлади, шу билан бир-га, уларнинг табиати озгина тақлидчи-ликдан ҳам мустасно эмас. Энг муҳими, ёшлар чарчоқ нималигини билмайди... Шу боис улар ҳамиша ҳамманинг, ҳар турли кучларнинг эътиборида бўлади...

Юртимизни ишғол қилган босқин-чилар, улардан кейинги мустабид ту-зум ўта фаол равишда халқнинг, ху-сусан, ёшларнинг тарбиясини издан чиқариш билан шуғулланди. Ана шу бузғунчи мафкуранинг оқаваси собиқ Иттифоқдан қолган “мерос”лар сираси-да ўтиб келди. Шунингдек, мамлақати-миз истиқлолга эришган йиллар шун-дай даврга тўғри келдики, ўша кезлар-да социалистик тузум инқирозга учраб,

дунёнинг қиёфаси буткул ўзгариб кет-ди. Ёшларнинг тарбиясига жиддий таъ-сир кўрсатадиган воқеа-ҳодисалар ри-вожи жадаллашиб кетгани боис муай-ян вақт мафкуравий бўшлиқ пайдо бў-либ, ёшларнинг орасида тарқоқлик юз бергандек бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 30 июнда “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” мавзу-ида сўзлаган нутқида бундай деган эди: “Бу борада жаҳон тажрибасини, узоқ-яқиндаги турли давлатлар тажри-басини ўргандик. Дунёдаги ривожлан-ган, демократик давлатларда ёшлар ташкилотлари дабдабали, баланд-парвоз тадбирлар ўтказиш эмас, бал-ки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган, ҳаётий муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратади”.

Бу гапни эшитиб ўйланиб қолдим: мен ҳам отаман. Ёш авлод тарбия-чиларидан бириман, айна кучга тўл-ган фарзандларим бор. Улар кун оша янги ғоялар, таклифлар айтади. Хўш, ўша ташаббусларнинг бирортасини қўллаб-қувватладимми? Уларнинг ўз-лари ўйлаб топган ғояларини маъкул-лаб, руҳлантириб қўйдимми? Сиз-чи?

Фикримизча, бу жиддий ўйлайди-ган мавзу. Фарзандларининг ташаб-бусларини қўллаш ўрнига уларни ҳар тарафдан олдини қайтариб турган ота-оналар боласининг ҳам руҳини синди-ради, жамиятга ҳам катта зарар етказа-ди. Иккинчи томондан, боланинг режа-си келажакка, яъни ўзининг замони-га

дахлдор. Биз ота-оналар эса бугуннинг одамимиз. Инсонларнинг тарбия бора-сидаги ана шу камчилигини тузатмоқ учун ҳазрати Али розияллоҳу анху: “Бо-лангизни ўзингизнинг замонингизга эмас, ўзининг замони-га қараб тарбия-ланг”, деган эди. Зеро, тобора жадал-лаб бораётган техника тараққиёти асри инсонлар олдига турли-туман муам-моларни кўндаланг қилиб қўймоқда-ки, уларнинг ечимини навқирон авлод иштирокисиз топишнинг сира ҳам ило-жи йўқ.

Дарҳақиқат, бола бир кунда ёт оқимга аъзо бўлиб қолмайди, бир неча кунда зарарли одатларга ҳам ўрган-майди. У бундан олдин кимлар билан-дир танишади, ош-қатиқ бўлади. Кей-ин-кейин унинг гап-сўзларида улар-нинг таъсири сезила бошлайди ва ҳо-казолар. Ушбу жараёнлардан энг аввал унинг тенгдоши ва сафдоши хабардор бўлади. Ана шу бола тенгдошининг ҳо-лидан бошқаларни хабардор этиб, уни муқаррар фалокатдан сақлаб қолиш чорасини қилмаса ким қилади!..

Шунингдек, Юртбошимиз ўша кунги нутқида хорижда ишлаб юрган ёшларимизни террорчилик ва экстре-мистик оқимлар таъсирига тушиб қо-лишдан асраш борасида ҳам амалий ишларни бажариш масаласига эътибор қаратди. Чет элларда ўқиётган, меҳнат қилаётган ёшлар билан иш олиб бора-диган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари-ни ҳимоя қиладиган бир ташкилот ту-зиш кераклиги хусусида гапирар экан, “Ўзимизнинг болаларимиз ҳақида ўзи-миз ўйламасак ким ўйлайди”, деди.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Масала

3-бетда

500-ФАТВО

Бой киши камбағал-га берган қарзини ке-чиб, уни ўзгадаги қар-зининг закоти деб ният қилиши закотга ўтмайди.

«Сирожия»

504-ФАТВО

Одамлардан қарзи бор киши (башарти қў-лидаги пулини қарзига берса, қолгани нисобга етмай қолса) закот во-жиб бўлмайди.

«Баззозия»

506-ФАТВО

Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад раҳи-маҳуллоҳлар наздида бой эрнинг камбағал хотинига закот бери-лади. Отаси бой бўлган норасида ўғилга закот берилмайди. Агар ба-лоғат ёшида бўлса, унга закот бериш жоиз. Бой-нинг балоғатга етган камбағал қизига закот берилади.

«Баззозия», «Қозихон»

507-ФАТВО

Ўғли бой бўлмиш кишининг камбағал отасига закот бериш мумкин.

«Баззозия», «Қозихон»

509-ФАТВО

Бир неча киши бир камбағалга закотла-рини бергандан ке-йин унинг қўлида ни-соб миқдорида маб-лағ йиғилиб қолса, ке-йин унга закот бериб бўлмайди.

«Баззозия»

510-ФАТВО

Вакилга закот пули бериб юборилганидан кейин у закотни ўзи-нинг балоғатга етган ва етмаган муҳтож фар-зандлари ёки хотинига берса жоиз. Лекин ўзи-га ҳеч нарса олиб қол-маслиги лозим.

«Баззозия», «Қозихон»

511-ФАТВО

Закотни қарздор ки-шига бериш уни фақир кишига бергандан кўра яхшироқдир.

«Баззозия»

7-бетда

Вафот этган кишини ювиб, кафанлаш ва унга жаноза намози ўқиш фарзи кифоядир.

#### Жанозанинг фарзлари

Жаноза намозининг рукни иккита: қиём ва тўрт такбир. Мазкур такбирлар намоздаги ракатлар ўрнидадир.

#### Жанозанинг шартлари

Жанозанинг дуруст бўлиши учун яна олтита шарт бор.

Биринчиси, Ислом, яъни маййит мусулмон ҳолида вафот этган бўлиши. Жаноза намози маййит учун шафоат ҳисобланади. Мусулмон бўлмаганлар учун шафоат қабул қилинмайди.

Иккинчиси, маййитнинг жасоди ва ўрни пок бўлмоғи. Бу шартга уни бажариш мумкин бўлган ҳолатларда амал қилинади. Амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, масалан, маййит ювилмай дафн этилган бўлса, ювиш учун қабр очилмайди, балки қабр тепасида туриб унга жаноза ўқилади. Агар маййит устига ҳали тупроқ тортилмаган бўлса, у ҳолда маййит чиқарилиб, ювилади, сўнг жаноза ўқиб, кейин дафн қилинади.

Учинчиси, маййитнинг жаноза намозига йиғилганлар олдида бор бўлиши.

Тўртинчиси, жасаднинг кўп қисми ёки ярми боши билан бўлиши.

Бешинчиси, жаноза ўқийдиган кишилар узрсиз ўтириб олмаган ёки улов устида бўлмасликлари.

Олтинчиси, маййитнинг ерга қўйилган бўлмоғи. Агар у улов устида ёки уни одамлар кўтариб олган бўлса, жаноза ўқиш дуруст бўлмайди.

#### Жанозанинг суннатлари

Биринчиси, имом маййитнинг — хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл — кўкрак қафаси рўпарасида турмоғи. Чунки кўкрак қафаси қалб ва иймон нурининг жойи бўлади.

Иккинчиси, ифтитоҳ такбири — биринчи такбирдан сўнг Сано дуосини ўқиш.

Учинчиси, иккинчи такбирдан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш. Бунда намоздагидек ташаххуддан кейинги

салавот ўқилади: **“Аллоҳумма, солли ғала Муҳаммад ва ғала Оли Муҳаммад, кама соллайта ғала Иброҳийма ва ғала Оли Иброҳийм, иннака Ҳамийдум-Мажийд. Аллоҳумма, барик ғала Муҳаммад ва ғала Оли Муҳаммад, кама барокта ғала Иброҳийма ва ғала Оли Иброҳийм, иннака Ҳамийдум-Мажийд”**.

Маъноси: Ё Аллоҳ, Иброҳим ва унинг оиласини раҳмат этганинг каби, Муҳаммад ва ул зотнинг оиласини ҳам раҳмат эт. Албатта, Ўзинг ҳамду мақтовга лойиқ улуг Зотсан. Ё Аллоҳ, Иброҳим ва унинг оиласига барака берганинг каби Муҳаммад ва ул зотнинг оиласига ҳам барака бер. Албатта, Ўзинг ҳамду мақтовга лойиқ улуг Зотсан”.

Тўртинчиси, учинчи такбирдан сўнг Аллоҳ таолодан ўзининг ва маййитнинг ҳаққига мағфират сўраб дуо қилиш. Бу ўринда тайин қилинган махсус дуо йўқ. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган дуоларни ўқиш афзал. Масалан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ушбу дуо:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَمَيِّتِنَا وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا وَذَكَرِنَا وَأُنْثَانَا وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا اللَّهُمَّ مَنْ أَحْبَبْتُهُ مِنْ أَهْلِي فَأَحْبِبْهُ عَلَيَّ الْإِيمَانِ وَمَنْ تَوَقَّيْتُهُ مِنْ أَهْلِي فَتَوَقَّهِ عَلَيَّ الْإِسْلَامِ اللَّهُمَّ لَا تَحْرِمْنَا أَجْرَهُ وَلَا تُضِلَّنَا بَعْدَهُ.

**“Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина, ва сағийрина ва кабийрина, ва закарина ва унсана, ва шаҳидина ва ғоибина.**

**Аллоҳумма, ман аҳйайтаху минна фа-аҳйихи ғалал ислами, ва ман таваффайтаху минна фатаваффаху ғалал ийман. Аллоҳумма, ла таҳримна ажроҳу ва ла тузиллуна баъдаху”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Маъноси: “Ё Аллоҳ, бизнинг тирикларимизу маййитларимизни, кичикларимизу улугларимизни, эркакларимизу аёлларимизни, (жанозага) ҳозир бўлганларимизу ҳозир бўлмаганларимизни мағфират қил. Ё Аллоҳ, биздан кимга умр берадиган бўлсанг, уни Исломда яшатиш ва биздан кимни вафот эттирадиган бўлсанг, уни иймонда вафот

эттир. Ё Аллоҳ, бизни унинг ажридан маҳрум қилма ва ундан кейин бизни адаштирма”.

Мажнун ва ёш болалар учун мағфират сўралмайди, балки бундай дуо қилинади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ لَنَا قَرِطًا وَاجْعَلْهُ لَنَا أَجْرًا وَذُخْرًا وَاجْعَلْهُ لَنَا شَافِعًا وَمُشَفَّعًا

**“Аллоҳуммажғалҳу лана фаротон важғалҳу лана ажрон ва зухран, важғалҳу лана шафиъан ва мушаффаъан”**.

Маъноси: “Аллоҳим, уни бизлар учун (жаннатда) кутиб турувчи фойда-мукофот, ажр, захира, шафоати мақбул бўлганлардан қил”.

Жаноза намози тўртинчи такбирдан сўнг икки томонга салом бериш билан тугатилади. “Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ” деб салом бериш вожиб.

Такбир айтилганида бош юқорига кўтарилмайди. Агар имом адашиб бешинчи такбирни айтиб юборса, қавм унга эргашмай, салом беришини кутади.

#### Жанозага кечиккан киши

Жаноза намозининг биринчи такбирига етишолмаган киши имомнинг иккинчи такбирини кутиб туради. Иккинчи такбир айтилганида, у ҳам кулоқ қоқиб имомга иқтидо қилади. Имом салом бергач, маййит кўтарилмасидан ўтказиб юборган такбирларини адо этади. Акс ҳолда, намози бузилади.

#### Жаноза ва хонақоҳ

Маййитни масжиднинг хонақоҳига олиб кириб жаноза ўқиш макруҳ. Маййит масжид ташқарасида, жаноза ўқийдиганлар эса, масжид ичкарасида бўлишлари ҳам макруҳ. Шунингдек, йўл устида ва бегонанинг ерида унинг изнисиз жаноза ўқиш макруҳ.

#### Жанозада саф тортиш

Имом Абу Довуд келтирган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимнинг жанозасини уч саф кишилар ўқиса, унинг гуноҳлари кечирилади”**, деганлар. Шунга кўра, жанозада уч саф тортиш мустаҳабдир.

Агар жаноза ўқийдиганлар етти киши бўлса, бири олдинга чиқиб имом бўлади, орқасидан уч киши туради, кейинги қаторда икки киши, охириги қаторда бир киши туради. Албатта, бу жанозада қатнашадиган одамлар кам бўлганда ҳадисга мувофиқ иш тутиш учун қилинадиган тадбирдир. Аслида эса, ҳадисдан жанозада кўпроқ одам қатнашиши ирода қилинган. Чунки жаноза намози маййитнинг ҳаққига дуо қилиш бўлиб, унда қанча кўп одам иштирок этса, шунча фазилатли бўлади.

Жаноза намози учун энг ҳақли имом ўша маҳалланинг имомидир. Ундан кейин маййитнинг васийси, кейин унга яқин бўлган қариндошлари.

Агар бир неча маййит бўлса, ҳар бирига алоҳида жаноза ўқиш афзал. Ҳаммасига битта жаноза ўқиш ҳам жоиз. Бунинг учун маййитлар қибла томондан кетма-кетликда жойлаштирилади. Имомга энг яқин қўйиладигани эркак, кейин ёш ўғил бола, кейин хунаса, кейин аёл, кейин ёш қиз болалар бўлади.

Маййитни қабрга қўйишда “Бисмиллаҳи ва ғала миллати Росулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи ва саллам”, дейилади.

Агар маййит жанозасиз кўмилган бўлса, жаноза унинг қабри тепасида ўқилади. Ювилмай кўмилган бўлса ҳам, ҳукм шундай.

Ҳар бир маййит алоҳида қабрга дафн қилинади. Агар бунинг иложи бўлмаса, битта қабрга бир неча маййитни дафн қилиш ҳам жоиз. Бунда маййитлар бу тартибда қўйилади: қибла томондан биринчи эркак, кейин ўғил бола, кейин хунаса, кейин аёл, кейин қиз бола.

Янги туғилиб, вафот этган чақалоқда ҳаёт белгилари кўринса, унга исм қўйилади ва ювиб-кафанланиб, жаноза ўқилади. Агар ҳаёт белгилари кўринмаса, яъни бола ўлик туғилган бўлса, уни ювиб, бир матога ўраб дафн қилинади, жаноза ўқилмайди.

✍ “Ҳашиятун Ибни Абидин” ва “Мароқил фалаҳ” асарлари асосида  
**Азизбек ХОЛНАЗАРОВ** тайёрлади.

### Мусулмон одоби

Шайхулислам муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ ҳикоя қилади: «Кунларнинг бирида Мисрнинг катта фақиҳларидан бири шайх Абдулаҳад Азҳарий каминанинг хузурида меҳмон бўлдилар ва бир мажлисда Куръонни ниҳоятда гўзал қироат қилдилар. Сўнг ўзаро суҳбат бошланди. Ўтирганлар ўртасида “Куръон араб диёрида нозил бўлган, Мисрда қироат қилинган ва Ҳинд диёрида тушунилган”, деган гап айлана бошлади.

Бу гапни эшитган Абдулаҳад Азҳарий ўзлари билан бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб бердилар:

“Масжиди Набавийда эдим. Баъзи мухлис уламолар каминани юқорига ўтказиб, насиҳат қилишимни айтишди. Уларга ваъз-насиҳат қилганимдан сўнг ўзаро савол-жавоблар бошланди. Шу орада кимдир: “Устознинг мартабаси улўғми ёки ота-онанинг мартабасими?” деб сўраб қолди.

Мен: “Баъзи уламолар устознинг мартабаси улўғ эканини ёзганлар. Чунки ота-она фарзандининг пастликда, яъни ерда юришига қўмаклашсалар, устоз боланинг

пастдан юқорига кўтарилиши йўлида меҳнат қилади”, деб жавоб бердим.

Шунда ўрта ёшли бир киши: “Сизнинг бу жавобингизни тушуна олмадим”, деди. “У ҳолда ўзингиз тушунтириб беринг”, дедим. У: “Саҳобалар замонидан буён аввало, Аллоҳнинг Китоби, сўнгра Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатлари, сўнгра саҳобаларнинг амаллари ва охирида қиёс жорий бўлиб келмоқда. Ота-онанинг мартабаси ояти карима билан собит бўлган.

Сиз келтирган далил эса, қиёсдир. Зеро, Куръони каримда бирор нарсанинг фазилати борасида насс (матн) келган бўлса, ўша нарсанинг фазилатини бекор қилиш учун худди шундай қувватга эга бирор насс (оят ёки ҳадис) келмагунича у ўз кучини сақлаб қолади”, деди.

Бу гап мен учун қаттиқ танбех бўлди. “Менга бундай танбех етишига қандай йўл қўйдим?” дея ўйлай бошладим. Дарҳақиқат, усулий қоидага биноан, бирор нарсанинг

# Имом Алоуддин Ҳаскафий

Ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан бири Имом Ҳаскафий раҳимахуллоҳнинг тўлиқ исми Алоуддин Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жамолдин ибн Ҳасан ибн Зайнил Обидийн Ҳисний Димашқий Ҳанафийдир. У зот Ҳаскафий нисбаси билан танилган. Аллома ҳижрий 1025 (милодий 1616) йилда Дамашқда таваллуд топиб, бу ердаги илмий муҳит таъсирида улғайган. Баъзи манбаларда олимнинг таваллуд санаси ҳижрий 1021 йил деб ҳам келтирилади. Асл ота-боболари Туркиянинг Диёрбакр ҳудудидаги “Ҳисни Кайфа”, яъни Кайфа қалъасидан бўлгани учун ҳам алломага “ал-Ҳаскафий” нисбаси берилган. Шунингдек, баъзи манбаларда “ал-Ҳисний” тарзида қискартириб нисба берилганини ҳам кўриш мумкин.

Алломани замондошлари “Алоуддин” (“Диннинг олийлиги”) унвони билан эъзозлаган. Қолаверса, аллома фақат фикҳ соҳасида эмас, балки ҳадис, усул фикҳ ва наҳв илмларида ҳам моҳир бўлган.

Алоуддин Муҳаммад жуда ёшлик чоғидан отаси Шайх Алидан таҳсил олади. Кейинроқ эса Дамашқнинг

ўша пайтдаги хатиби Имом Маҳосиний раҳимахуллоҳ ҳузурда бир муддат илм ўрганади. Имом Маҳосиний шогирдини жуда яхши кўрар, ҳатто уни “Саҳиҳул Бухорий”дан талабаларга ўтилган дарсларни такрорлаб берувчи ёрдамчи устоз қилиб олади. Ҳижрий 1062 йилда Имом Маҳосиний умумий ижоза бергач, Имом Алоуддин Ҳаскафий Рамла шаҳрига бориб, Шайх Хайридин Рамлийдан фикҳ илмини ўрганади. Кейин Қуддус шаҳрига сафар қилиб, у ерда Имом Фаҳридин ибн Закарийе Мақдисий Ҳанафийга шогирд тушади.

Илм талабида бўлган зот ҳижрий 1067 йилда ҳаж зиёратига бориб, Мадинаи мунавварада Шайх Софий Қушошидан таълим олади ва ижозага эга бўлади.

Имом Ҳаскафий, шунингдек, ханбалий уламоларидан бири, муҳаддис, фақиҳ, муфасссир ва қироат олими Шайх Абдулбоқий ибн Абдулбоқий Баълий Ханбалийга шогирд тушади. Яна кўп устозлардан илм ўрганади.

Имом Ҳаскафий ҳижрий 1073 йилда Рум диёрига сафар қилади. Аллома ўша пайтдаги усмонийлар ҳалифалиги “Жақмақийя” мадрасаси

раҳбари этиб тайинланади. Бироз кейинроқ Шом диёрининг фақиҳи ва муфтийси лавозимини эгаллайди. Бу вазифада беш йил мобайнида фаолият кўрсатади. Аллома фатво беришда ўта эҳтиёткор ва диққатли, ниҳоятда масъулиятли бўлган. Мазҳабдаги тасъҳиҳ қилинган қавлларга муҳолиф биронта фатво бермаган. Сўнг Дамашқнинг бош жоме масжидида ҳадис устози, шунингдек, “Салиймийя” мадрасасига мударрис этиб тайинланади. Ушбу мадрасада бир йилча фаолият кўрсатади. Муфтийлик лавозимини топширгач, аллома Қора ва Ажлун, кейинроқ Ҳама шаҳри қозиси, “Тақвия” мадрасаси мударриси каби вазифаларда ишлайди. Вафотига яқин қозилик ва мударрислик вазифаларини тарк этади.

Бу зотнинг олимлик даражасини устозлари ва замондошлари эътироф этишган. Хусусан, шайх Хайридин Рамлий ва Имом Маҳосиний ёзма ижозаларида шогирдининг салоҳиятига мақтовли сўзлар билан юксак баҳо беришган.

Неъматуллоҳ ИСОМОВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институтини талабаси

## Ибратли ҳикоя

Бир йигит бувасига арзи ҳол қилди:

— Ҳаёт зиддиятларга тўла. Сизнинг эса доим кайфиятингиз чоғ. Хафа бўлганингизни, бировдан ранжиганингизни кўрмайман. Сизга ўхшашга шунча ҳаракат қилсам ҳам, урдасидан чиқолмаяпман.

Оқсоқол бир зум ўйланиб, деди:

— Келишиб олайлик, ҳар сафар кимдандир ё нимадандир норози бўлганингизда менга битта тош олиб келсан.

— Қанақа тош?

— Фарқи йўқ. Хоҳишингизга қараб кўтариб келавер.

Йигит бувам шунақа қилиб ўзини овутаркан-да, деб ўйлади-ю, унинг гапини икки қилгиси келмади. У ёки бу вазиятдан дили хира тортганда шартини бажарди.

## Ортга ташла ва унут...

Кунлардан бирида қария набирасини чақириб, хона бурчагида турган оғзи боғлиқ қопга ишора қилди:

— Анавини кўтар-чи.

Йигит қопни елкасига ортмоқлади. Ўзиям оғиргина экан, букчайиб қолди.

— Қаерга олиб бориш керак? — сўради зўрға нафас олиб.

— Ҳеч қаерга, ўзинг билан олиб юрасан. Ўтирсанг ҳам, турсанг ҳам зинҳор елкангдан кўйма.

Йигит қариянинг гапини тушунмай бир муддат каловланиб турди-да, кейин қопни елкасидан ташлаб юборди. Ичини очиб қараса, ўша ўзи йиғиб келган катта-кичик, қинғир-қийшиқ тошлар.

— Шуям ҳазил бўлдими, бува! Бузилдай матоҳни кўтариб юришнинг кимга кераги бор?! — деди йигит ранжиган оҳангда.

Қария меҳр билан набирасининг елкасини силади.

— Тўғри айтасан, болам, бу юкнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ранж-аламга тўла кўнгилнинг ҳам ана шу қопдан фарқи бўлмайди. Хотирада сақланиб қолган дилхираликлар фойдасиз юк мисоли, кишини эзиб ташлайди, қаддини букади, бора-бора қалбини ғуборга тўлдиради. Уларни ортга ташласанг ва унутсанг, яхши...

Юлдуз ЎТКИРХОН қизи

фазилати, савоб ёки азобга ҳақли дейиш учун насс (яъни, ояти карима) ёки муттасил санад билан келган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари лозим бўлади.

Кейин мен у кишига: “Ҳақиқатда, мендан хато ўтибди. Бу борада яна тушунча берсангиз”, дедим.

“Абу Лаҳабнинг Сувайба исми озод қилган чўриси бор эди. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни гўдаклик чоғларида бир неча кун эмизганди. Кейинроқ

Сувайба Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганида, у зот ўзларининг муборак саллаларини унинг пойига ёзиб, алоҳида эҳтиром кўрсатганлар. Бир неча кун эмизган сут онага шунча эҳтиром кўрсатилса, дунёга келтириб, икки йиллаб эмизиб, боқиб катта қилган зотлар қандай улкан эҳтиромга лойиқ бўларкин?!

Бошқа жиҳатдан қараганда, Жаброил алайҳиссалом бир эътибордан Расулulloҳ соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг устозлари бўлади. Лекин Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига ташриф буюрганида юқоридаги каби икром қилиш ҳолати кузатилмаган”, деб жавоб қилди у.

Кейин мен: “Сизнинг жавобингиздан хотиржам бўлдим. Аллоҳнинг каломи ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амалларидан сўнг менга бошқа ҳужжат-далил зарур эмас”, дедим.

У киши чиқиб кетди. Мен: “Эҳтимол, у киши катта фақиҳ олим

бўлса керак”, деб ўйлаб қолдим. Шунда мажлисда ўтирганлар: “Бу киши Ҳиндистоннинг Девбанд шаҳридаги Дорул улум мадрасаси ҳадис фани устози, муфтий шайх Саид Аҳмад Болонпурий бўлади”, дейишди”.

“Маҷалису Усмоний”дан  
“Аҳмаджон қори”

жоме масжиди имом ноиб

Ҳикматуллоҳ АБИЕВ таржимаси

## Масала

5-бетда

### 512-ФАТВО

Ҳовлидаги мевали дарахтларнинг мевасидан ушр берилмайди, балки даладаги дарахтларнинг мевасидан ушр берилади. Зеро, ҳовлидаги нарсалар ундаги иморатларга тобе ҳисобланиб, улардан ушр берилмайди.

«Баззозия», «Қозихон»

### 514-ФАТВО

Бойлигини даладаги ерига яшириб кўмиб қўйиб, бир неча йил топа олмай кейин топса, ўтган йиллар учун ундан закот берилмайди. Аммо уйининг бирор жойига яшириб қўйган бойлигини бир неча йил топа олмай юрган одам топгач, ўтган йиллар учун ундан закот беради.

«Фуруқ ал-Каробисий», «Қозихон»

### 515-ФАТВО

Закотга тўртта ўртача қўй ўрнига вазнда уларга тенг келадиган учта семиз қўй бериш жоиздир. Аммо иккита қурбонлик қўйлари ўрнига битта семиз қўй бериш жоиз эмас.

«Фуруқ ал-Каробисий»

### 516-ФАТВО

Узоқ сафарда юрган бой киши юртида қолдирган бойлигидан закот беради. Зеро, унинг вакили ёки унга қарашли бошқа кишилар унинг изни ва буйруғи билан закотни беришларига имконияти бор.

«Қозихон»

### 517-ФАТВО

Бировга берган беш нисобга етадиган пул маблағидан бир йил ўтгач кечиб юборса, ўша маблағ закоти соқит бўлади.

«Қозихон»

“Минг бир фатво” китобидан

## Мусулмон одоби

“Имплант” инглизча сўз бўлиб, “ўрнатиш”, “экиш” каби маъноларни англатади. Тиббиётда бой берилган бирон аъзонинг ёки унинг бирор қисмининг ўрнини босувчи аъзо сифатида ўрнатилган нарса имплант ёки имплантат дейилади. Шунингдек, тўқималарни кўчириб ўтказиш операцияси ҳам “имплантация” деб юритилади.

Имплант тиш деганда металл бурама мих ёрдамида суякка жойлаштириладиган ва тиш илдизи вазифасини бажарадиган мослама тушунилади. Кейин унинг устидан қоплама ўрнатилади.

Ҳозирда имплант – жағ суягига зангламайдиган металл “илдиз” ўрнатилиб, ясама тишларни унга маҳкамлаш кўпаймоқда. Имплант тишлар танглай тишидан қулайлиги жиҳатдан афзалроқ саналади.

Мутахассисларнинг илмий мақолаларидан маълум бўлишича, имплант тишлар қўйилганда у қўйилган киши тана ясама тишлар “илдизи”ни ижобий қабул қилса, ҳаммаси жойида бўлади. Аммо қабул қилмаса, ҳатто жағ суяклари чиришига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки бунда металл ва суяклар бир-бирига киришмай, орада муаммо келиб чиқади.

Шариатда тиш даволатиш, пломба ёки ясама тиш қўйдириш жоиз. Сабаби тиш қуртлаши ёки тушиб кетиши беморлик бўлиб,

бунни даволатишга рухсат этилган. Лекин ҳозирда имплант тиш учун турли металллар билан бирга, ҳайвонларнинг суякларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бунда ўлимтик, чўчка ва одамнинг суягидан фойдаланиш борасида айрим мулоҳазалар юзага келади. Қуйида шу ҳақда тўхталиб ўтамиз.

#### Одам суягидан имплант тиш учун фойдаланиш:

Фуқаҳоларимиз одамнинг суягидан фойдаланиш унинг каромати – улуғлигига, қадр-қимматига тўғри келмаслигини таъкидлашган. Ҳанафий уламолардан аллома Зайлабий “Канз”нинг шарҳида суяклардан даво сифатида фойдаланиш ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай деган: “Сўйилган ҳайвоннинг суяги ҳар қандай ҳолда ҳам (яъни, ёғли ёки қуруқ бўлишидан қатъи назар) ундан фойдаланиш жоиз. Лекин чўчка ва одамнинг суяги бундан мустасно. Чунки чўчка – нажосат, одам эса, мукаррамдир. Зотан, одамнинг аъзоларидан фойдаланиш жоиз эмас” (“Табйинул ҳақоик”).

Бу борада барча мазҳаб уламолари яқдил фикрдалар.

#### Ўлимтиkning суягидан имплант тиш учун фойдаланиш:

Барча ҳанафий фуқаҳоларимиз ҳамда моликий уламолардан аллома Ибн Ваҳб ҳайвонлар, гарчи ўлимтик бўлса ҳам уларнинг суягидан фойдаланиш мумкин эканига фатво беришган (“Бадойиъус саноиъ”, “Ал-Баян ват-таҳсил”).

Ҳанафий олим аллома Ибн Нухайм бу борада Имом Муҳаммаднинг қуйидаги гапларини келтиради: “Имом Муҳаммад “Сиярул кабир”да айтадилар:

“Суяк билан даволаниш жоиз. Бунда суяк қўйнинг ёки молнинг ёки туянинг ёхуд бошқа ҳайвонларнинг суяклари бўлиши керак. Лекин чўчканинг ва одамнинг суяги бундан мустасно. Чунки бу икисиники билан даволаш мумкин эмас. Суяк билан даволашда ҳайвон шаръий сўйилган ёки ўлимтик, ҳўл ёки қуруқ бўлишининг фарқи йўқ” (“Баҳрур роиқ”).

Одам ва чўчканинг суягидан бошқа ҳар қандай ҳайвоннинг, гарчи ўлимтик бўлса ҳам фойдаланиш ёки у билан даволаниш



жоиз. Чунки суякда ҳаёт бўлмагани сабабли, ҳанафийларга кўра, у пок ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, чўчкадан бошқа ҳайвонларнинг суягидан имплант тиш учун фойдаланиш жоиз.

Абдулатиф ТУРСУНОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази бош мутахассиси

#### Билиб қўйган яхши

## Ёсин сурасининг фазилати

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қуръоннинг қалби Ёсиндир. Ким уни Аллоҳнинг розилиги ва охираат савобидан умид қилган ҳолда ўқиса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини мағфират қилади. Уни ўликларингизга ўқинг» (Имом Аҳмад, Имом Байҳақий ривояти).

«Уни ўликларга ўқинг»дан мурод: 1) мухтажарга, яъни ўлим тўшагида ётганларга ўқиш. Чунки сурада Аллоҳнинг зикри, қиёмат, қайта тирилиш, қадар, тавҳид, ҳисоб-китоб, жазо ва мукофот каби барча мавзулар бор. Шунинг учун бу пайт да руҳ Аллоҳга юзланиши учун ўқилади;

2) зоҳирий маънода ўлган кишилар ҳақида ўқиш. Энг мақбули ҳам мухтажар (комадаги киши) га, ҳам вафот этган киши ҳақида ўқишни тушунишдир;

3) баъзи ҳанафийлар бу ҳадисга таянган ҳолда «киши амалининг савобини бошқа бировга бағишласа бўлади» деган хулосага келишган.

Набий алайҳиссалом дедилар: «Ким бир кечада Аллоҳнинг розилиги учун Ёсинни ўқиса, гуноҳлари афв этилади» (Имом Молик, Имом Байҳақий ривояти).

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ким Ёсинни ўқиса, Аллоҳ таоло унга Қуръонни ўн марта ўқиганлик савобини ёзади» (Имом Термизий, Имом Байҳақий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: «Куннинг аввалида Ёсин сурасини ўқиган кишининг жами эҳтиёжлари қондирилади», дейилган (Имом Доримий ривояти).

А. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

#### Тиббиёт бурчаги

## Уч яхшиликни жамлаган шифо

«Бир киши Али розияллоҳу анхунинг ҳузурига келиб, қорни оғриётганидан шикоят қилди. Али розияллоҳу анху: “Хотининг борми?” деб сўради. У: “Ҳа”, деди. “Ундай бўлса, бориб, ундан уч дирҳам беришини сўра. Сўнгга ўша пулга асал сотиб ол ва унга ёмғир сувидан қўшиб ич. Чунки Аллоҳ таоло хотиннинг моли ҳақида: “Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз” (Нисо сураси, 4-оят), асал ҳақида: “Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур” (Наҳл сураси, 69-оят), ёмғир ҳақида эса: “Биз осмондан баракотли сув (ёмғир) ёғдирдик” (Қоф сураси, 9-оят), деб марҳамат қилган. Қачон барака, шифо ва иштаҳа бирлашса, иншоаллоҳ шифо топасан”, деди.

Шундан кейин киши уйига бориб айтилгандек қилди ва соғайиб кетди» (“Тафсири Улусий”, “Дуррул мансур”, “Тайсийру Ибни Касийр”).

#### Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Бобоқонов

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

#### Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV  
Sodiq TOSHOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Jaloliddin HAMROQULOV  
Obidjon QODIROV  
Uyg'un G'OFUROV  
Muhammadsharif JUMAN  
Xolmat ATABAYEV  
Komiljon BURXONOV  
Tolibjon NIZOMOV  
Hikmatulloh TOSHEMIROV  
Muzaffar KAMOLOV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Jamoatchilik kengashi  
Alisher ESHIMOV  
Islomiddin ZUHRIIDINOV  
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar  
18-berkk'o'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda  
0017-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:  
To'lqin SHERNAYEV  
Musahhiha:  
Zabo OMONOVA  
Sahifalovchi:  
Komiljon MAHMUDOV  
Ekspertizaga berildi:  
11.07.2023  
Xulosa (№03-07/5845) olindi:  
18.07.2023  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU  
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650  
227/12-buyurtma.  
Bosmaxona manzili:  
Toshkent shahri, Zarqaynar  
18-berkk'o'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!